




**Омон МУСАЕВ,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси
катта илмий ходими**



НОДИР ТАФСИР

Қуръони каримнинг битмас-туганмас ҳикматларига тафсир битиш тарихда камдан-кам алломаларга насиб этган. Буни қарангки, қатағону қирғинлар айна авж пардасига кўтарилган қаттол замонларда ҳам Яратганнинг инояти ила бу ишга жидду жаҳд этган зотлар ўз эътиқодларида собит қолганлар.

1987 йили Қатар пойтахти Дўҳа шаҳрида ўзбек адабий тилида ёзилган тафсир нашр этилди. Муаллифи Муҳаммад Зариф Кошғарий, таҳаллуси — Ҳожиқори. Нашр Қуръони каримнинг 78–114 сураларини ўз ичига олган сўнги, 30-қисмига бағишланган. Муқаддас Китобимизда 20 саҳифани ташкил этган мазкур қисм тафсирини муаллиф 735 саҳифада баён этган.

Нашр муқаддимасида араб олими Ҳасан Абдулҳамид Маойиржий қуйидагича маълумот беради: «...теран тадқиқотчи олим Ҳожиқори Муҳаммад Зариф Кошғарий 1872 йилда Тошкентда туғилган ўзбеклардан. Бухорода таълим олган. Ўқишни тамомлагач, Қошғарга кўчиб кетган. Ўша ерда у Қуръони каримни ўзбек тилига тафсир қилишни бошлаган ва уни тўла тафсир қилиб бўлган». Агар аввалги қисмлари ҳам шу охириги қисми каби муфассал бўлса, Муҳаммад Зариф Кошғарийнинг ушбу тафсири тўлалигича тахминан 20.000 саҳифа атрофидаги 30 жилдли асар бўлиши керак. Тафсирнинг ёзиб тугатилиши тарихи 1926 йил 2 июн чоршанба куни эканига унинг сўнгидаги:

«Тамом бўлди тафсир рўзи чаҳоршанба 21 моҳи зил-қаъда санаи 1344 ҳижрий», деган ёзув гувоҳлик беради.

Бундай муфассал тафсирни ёзишга 10 йилдан кам вақт кетмаган десак, демак, муаллиф Қошғар сафарига XX аср бошларида чиққан бўлиши мумкин. Маойиржий ўз муқаддимасида тафсир ва унинг муаллифи Муҳаммад Зариф Кошғарий ҳақида давом этиб: «Унинг асарларидан Қашқар шаҳрида 1356х./1937 йили «Амма» порасигина нашр этилган. Тафсирнинг нашр этилмаган катта қисми қўлёзмаси эса ҳозирда шарқий Туркистондаги Ғулжа шаҳрида мавжуд... Қори Муҳаммад Зариф 1944 йилдан бошлаб Ғулжа шаҳрида яшаб, 1959 йили вафот топди», деб ёзади.

Тафсирнинг Дўҳа нашри 1937 йилги Қашқар литографик нашрининг офсет тасвиридан иборат. Унда муқаддимадан сўнг, тафсир матнидан олдин туркий (туркистоний, озарбайжон, қозон татар) тилларидаги муаллифлари маълум ва номаълум 28 тафсир рўйхати ҳам берилган. Бу ҳақда нашр муқаддимасида: «...мазкур рўйхатни тузишдан мурод ушбу тафсирларни сақлаб қолишдир. Бу тафсирларнинг кўпи Марказий Осиёда, Россияда ва Хитойда мавжуд бўлиб, нусхаларининг камёблигидан йўқ бўлиш хавфи остида», дея қайғурилади.

Муҳаммад Зариф Кошғарий ўз тафсирида ҳар бир сура сарлавҳаси сўнгида ундаги оят, сўзлар ва ҳарфларнинг ҳисоби-



ни келтиради. Аммо нашрда 82, 83, 84, 85, 96-суралардаги оят, сўзлар ва ҳарфларнинг ҳисоби, нима учундир, кўрсатилмаган. Шунингдек, тафсир қилинган суралар мундарижаси ҳам китобда келтирилмаган. Тафсирнинг асосий матни жуфт чизиқ (234x144мм)ли ҳошияга сиғдириб ёзилган (268x170мм)ли саҳифалардан иборат. Ҳар саҳифада 29 қатор ёзув ва ҳар қаторда ўртача 80 тадан жами 2320 ҳарф бор; Китобда жами 21.315 қатор ёзув ва улардаги ҳарфларнинг умумий миқдори бир млн. 760 880га етади. Муаллиф қаламига тегишли изоҳлар саҳифанинг пастки қисми узра сатр остидан жой олган. Ҳар бир саҳифа ҳошияси устида ўнгда китоб номи, ўртада саҳифанинг тартиб рақами, чапда сура номи қайд этилган. Китобдаги тафсир матнидан сўнг, 736- бетда Қашғар нашрига доир 51 та сўз ёзилишида содир бўлган хатонинг тузатишлари қайд этилган саҳифа ўрин олган. Китоб жилди ҳам ўша Қашғар нашри муқовасидаги безакнинг ўзи: оқ-қора ёзувда, камтарона безак, қалин оқ қоғоздан ясалган муқова саҳифасининг пасткидаги сана (1354/1937) бу фикрга далил бўла олади; тафсир матни сурати туширилган саҳифалар силлиқ, ялтироқ, одатдагига қараганда қалинроқ оқ қоғоздан иборат. Китобнинг оғирлиги 1420 грамм.

Муҳаммад Зариф Кошғарийнинг «Амма» тафсирига тегишли бошқа хусусиятлардан қуйидагиларни қайд эта оламиз: Тафсир анъанавий тизимга солинган: аввал оят матни, сўнгга изоҳли таржимаси, кейин шарҳи берилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, тафсирда асосий урғу бир оятни бошқа оятлар орқали шарҳлашга қаратиш билангина чекланмай, балки бир суранинг мазмун-моҳиятини бошқа суранинг моҳияти билан (масалан, Кавсар сураси Моъун сураси билан) таққослаб ўрганиш орқали очиб беришга асосланади. Қолаверса, турли ровийлар орқали етиб келган ҳадислар шарҳларга асос бўлиб хизмат қилган. Муфассир Муҳаммад Зариф ҳожиқори баъзи бир ҳадислар ривоятлари ва мазмундаги зоҳирий

тафовут ва ихтилофларнинг аслида тафовут ва ихтилоф эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи унсурлар эканини етарли далиллар билан асослашга ва изоҳлашга эришади. Шарҳларда анъанавий тафсирчиликдаги мўътабар сиймоларнинг нуқтаи назарлари батафсил кўздан кечирилгач, таржимада муаллиф ўзи маъқул санаганининг афзаллигини асослаб исботлашга ўтади. Бунда муаллиф ўзининг кўпқиррали олимлигини, чунончи, Қуръон ва ҳадисдан ташқари ислом тарихи, араб ва ажам қабилаларининг тили ва адабиёти, эътиқодлари, урф-одатлари ва бошқа элшунослик хусусиятларининг билимдони эканини намоён этади; ўзи тадқиқ қилаётган мавзуга оид нозик жиҳатларини теран идрок этувчи тадқиқотчи, кенг қамровли билим соҳиби эканини кўрсатади. Тафсир Муҳаммад Зариф ҳожиқорининг ўз замонидаги нафақат шарқ, балки ғарб давлатлари халқларининг илмий, фалсафий, адабий, сиёсий, тарихий, маданий, маънавий ва маърифий ҳаётидан ҳам етарли маълумотга эга олим эканидан дарак беради. Тафсирнинг дастлабки саҳифасидаёқ «...бу тўғрида «Кашфу-л-баён»да келтурдим. Хоҳлаган киши анга мурожаат қилур» дейиши ушбу тафсир ўз муаллифининг ягона асари эмас, дейишга асос беради.

Муҳаммад Зариф Ҳожиқори тафсирининг Ғулжа шаҳрида мавжуд дейилган дастлабки 1-29 қисмларини ҳамда унинг қаламига мансуб «Кашфу-л-баён» ва бошқа асарларини излаб топиш исломшунослик, тафсиршунослик ва манбашунослик ривожига муносиб улуш бўлур эди.

